

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Ражабова Навой ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
Н.Шарафиддинова Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети	79
ТИЛШУНОСЛИК	
М.Абдупаттоев Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура	87
М.Турдибеков Конибодом тумани макро ва микро топонимлари	92
М.Усманова “Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари	96
М.Иброхимова, Т.Алимов Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
М.Мадаминова Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
С.Ҳабибуллаева Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик- семантик хусусияти.....	111
А.Уралов Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция	115
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Р.Сафарова Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
Э.Мирзажонова Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
М.Туйчиева Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари	129
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришларнинг жадал технологияси	134
Р.Пирназаров Қурбонқўл қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
Б.Холматова Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
Н.Собиров, С.Исроилова Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари	144
М.Болтабоев Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи	147
Д.Абдуллаев Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
Н.Исраилов “Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши.....	154
А.Мусаев XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш	159
С.Ҳамрақулов “Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши	163

УДК: 398+7.046.1

НАВОИЙ ИЖОДИДА ҚУШЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР ОБРАЗНИНГ ХАЛҚОНА АСОСЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

ИЗОБРАЖЕНИЕ ОБРАЗОВ ПТИЦ И ЖИВОТНЫХ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ НА ОСНОВЕ НАРОДНОГО МЫШЛЕНИЯ

THE NATIONAL EXPRESSIONS OF BIRDS AND ANIMALS' IMAGES IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI

Ражабова Маърифат Бақоевна¹

¹Ражабова Маърифат Бақоевна

– Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Аннотация

Алишер Навоий ижодида поэтонимларнинг турфа кўринишлари учрайди. Ушбу мақолада халқ бадиий тафаккури асосида шакллантирилган зоопозтоним ва орнитомифопоэтонимлар хусусида фикр юритилади. Қушлар ва ҳайвонлар сингари мифологик образлар орқали бадиий таққин қилинган ғоя ва мотивлар таҳлиллар орқали ёритиб берилади.

Аннотация

В творчестве Алишера Навои встречаются разные виды поэтонимов. В статье рассматриваются зоопозтонимы и орнитомифопоэтонимы, сформированные на основе народного художественного мышления. Идеи и мотивы художественно интерпретированы и проанализированы с помощью мифологических образов, таких как птицы и животные.

Annotation

Various types of poetonyms can be observed in Alisher Navoi's creative activity. The article discusses zoopoetonyms and ornithomythopoetonyms formed on the basis of folk artistic thoughts. The ideas and motifs interpreted artistically via mythological images such as birds and animals are depicted through analysis.

Таянч сўз ва иборалар: мифологик образ, поэтоним, зоопозтоним, орнитомифопоэтонимлар, самандар, ҳайвон, ит.

Ключевые слова и выражения: мифологический образ, поэтоним, зоопозтоним, орнитомифопоэтонимы, самандар - мифическая птица животное, пес.

Key words and expressions: a mythological image, a poetonym, a zoopoetonym, an ornithomythopoetonym, a samandar – a mythical bird, an animal, a dog.

Фольклор қадимий сўз санъати сифатида ўзига хос ғоявийлиги ва бадиияти билан улуғ ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий эътиборини ҳам тортди. Шоир фольклорнинг афсона, ривоят, этак, нақл, дoston, кўшиқ, мақол, топишмоқ, аския каби қатор жанрларининг композицион қурилиши, сюжет мотивлари, анъанавий образлари, ифода усули ва тасвирий воситаларидан ижодий фойдаланиб, халқ тили ва дилига яқин асарларни маҳорат билан яратди.

Фольклор илоҳий-ирфоний манбалар қаторида Алишер Навоий ижодининг шаклланиши ва ривожланишида асосий таянч манба вазифасини бажара олди. Шоирнинг бадиий ижодда фольклор тажрибасига суяниши, унинг материалларини ижодий ўзлаштириш негизида қайта ишлаши (синтез ва стилизация қилиши) натижасида асарлари халқчиллиги оширилган.

Алишер Навоийнинг назмий ва насрий асарлари қаватларида халқимизнинг

мифологик тасаввурлари асосида юзага келган поэтик тимсоллар ва образларнинг бутун бир тизими мавжудки, уларни ўрганиш улуғ шоир ижодининг асос манбалари хусусида тўлақонли тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади. Жумладан, шоир шеърлятида ва дostonларида кўп учрайдиган образлардан **қушлар ва ҳайвонлар** сингари мифологик образлар стилизацияси кўп кузатилади. Н.Маллаев таъкидлаганидек: “Ҳар қандай поэзия мифлар билан бошланади” [5,9]. Дарҳақиқат, ушбу фикр тасдиғи Алишер Навоий ижоди мисолида ҳам ўз тасдиғини намоён этади.

Шоир турли (реал ва мифологик) қушлар образидан кенг фойдаланар экан, уларни ўзига хос тарзда рамзийлаштирганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, шоир кўпроқ булбул, қарға (зоғ), тўти, товус, худхуд каби қушлар образига кўпроқ мурожаат қилганлиги кузатилади. Бунда шоир ўз даври анъанасига кўра, кўпинча булбулни ошиқ тимсолида образлантирган:

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Булбул не куймасунки, бир ўт ёқти қасдиға

Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро [1,44].

Бу мисраларда булбул ошиқ, гул маъшуқа тимсолида талқин этилаётгани сезилиб турибди.

Шоир баъзи мисраларида булбул билан зоғни зид келтиради:

Элга кўюнгдур макон, мен қулни қавмоғлиғ недур,

Булбул ўлса, зоғ ҳам бўлур гулистонлар аро [1,42].

Бу мисраларда булбул яхшилар, зоғ эса ёмонлар рамзини ифодалаш учун келтирилмоқда.

Дарду ғам бўстонининг товусидир кўнглум қуши,

Гул бўлиб жисмимда кесган наъл ҳар ёндин анга[1,46].

Шоир кўпинча гўзал ёрнинг хиром айлаб юришини товусга ўхшатган.

Алишер Навоий қўллаган қушлар образи орасида Хумо, Анқо, Симурғ, Самандар (Қақнус) кабилар **орнитомифопоэтоним** сифатида диққатни тартади. Масалан, шоир лирик меросида Самандар образига кўп бора мурожаат қилинган ва у билан боғлиқ тасвирлар мифологик қарашларга асослангани билан эътиборни тартади.

Самандар – майда бир жонивор. У афсонага кўра, гўё ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшайдиган қушдир. Бу қушнинг ўтда ёнмаслиги ҳақидаги тасаввурлар орқали мумтоз адабиётда абадий ҳаёт ва ишқ ғоялари тарғиб қилинган. “Алишер Навоий ижодиётида ўлмаслик ҳақидаги мифология излари “Қақнус” ва “Самандар” образида ҳамда Масих (Исо) ва Хизр номи билан боғлиқ ҳолда сақланиб қолган [5,106].

Алишер Навоий лирик меросида Самандар тасвири билан боғлиқ байтлар салмоқли қисми ташкил қилса, Қақнус тасвири фақат “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг 22-ғазалидагина қўллангани кузатилади. Навоий Қақнус образини қўллашда ҳам салафлари анъаналарини давом эттиргани намоён бўлади. Шунинг учун Қақнус билан боғлиқ мушоҳадаларига “Лисон ут-тайр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” дostonларида кенг ўрин берилган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” дostonида Самандарнинг тумшуғида кўп тешиқлар бор бўлиб, улардан таралган ҳазин овозлардан мусиқа яралаш айтилса, “Лисон ут-тайр” дostonида Қақнуснинг Ҳиндистонда бўлиши, баланд дарахтлар

бошига ин солиши, умри бўйи хас-хашак, чўп, катта хирмон йиғиб, ҳаётининг охирида шу хирмон устида майин оҳанг билан сайраши, унинг дилкаш навосини эшитган бутун ўрмондаги қуш ва ҳайвонлар йиғилиб келиши, охирида Қақнус шундай аламли бир нола қилганидан хирмонига ўт туташиб кетиши ва шу ўтда ўзи ҳам ёниб кетиши, хирмон кули остидан янги бир Қақнус боласи пар ёзиб чиқиб, секин-аста парвоз қилиши, у ҳам отаси шуғулланган иш – хас-чўп тўплашга уннаб кетиши баён этилади.

Навоий “Фарҳод ва Ширин” дostonида салафи Хусрав Деҳлавийнинг шеърлятидаги мусиқийликни, дил ўртовчи ҳазинликни ана шу Қақнуснинг сайрашига ўхшатган.

Самандар ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшаши жиҳатидан Қақнус қушига ўхшаб кетиши айтилади.

Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмайсен,

Самандар бўлмағунча кирса бўлмас ўт аро густох [1,109].

Насрий баёни: Ошиқ бўлмасдан туриб, бало даштига довюрракман, дея қадам босма, чунки ҳар қандай кўрқмас инсон ҳам Самандарга айланмағунча олов ичига кира олмайди.

Алишер Навоий ҳақиқий ошиқ ва ишқ масаласини бадиий тасвирлашда бевосита Самандар образидан фойдаланади. Шоирнинг таъкидича, ошиқ ишқда Самандардек “йўқ бўлмас” экан, бу йўлдаги “бало”ларга бардош бера олмайди.

Алишер Навоий лирикасида ишқ улуғланади. Шоир бу олий неъмат ҳаммага ҳам насиб қилавермаслигини қуйидаги байтда таъкидлар экан, Самандарни мисол келтиради. Яъни ҳақиқий ошиқ “ишқ ичра” Самандардек кириши учун “ишқ ўти”га мансуб бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Ўт ичра тушса бўлур нисбати самандардек,

Кишики, ишқинг ўтиға ўзин қилиб мансуб [1,68].

Алишер Навоий кўпинча ишқ ва ошиқлик масаласини бадиий тасвирлашда муболағадан ўринли фойдаланади. Бундан кўзланган мақсад эса ишқни улуғлаш, ошиқлик сифатларига урғу беришдир.

Оташкада ўтида самандар топар ҳаёт,
Кўнглумўти валеқ самандарни куйдурур [2,168].

Алишер Навоий ошиқликни улуғлар экан, ҳатто ҳақиқий ошиқни Самандардан устун қўяди. Ошиқ кўнглидаги ишқ ўти шу даражада

хароратли ва кучлики, у ўтда пайдо бўлиб, ўтда яшовчи Самандарни ҳам куйдиради.

Худди шу руҳдаги байтни “Фарҳод ва Ширин” достонининг XLV бобида, яъни Шириннинг Фарҳодга ёзган мактубида ҳам учратиш мумкин:

Демон бир шамъдин парвона сори,
Самандардин бир оташхона сори.

Байтнинг мазмуни: (Бу мактубни) куйиб – ёнаётган бир шамдан парвонага эмас, бир самандардан бир гулхан (оташхона)га йўлламан.

Байтда ноанъанавийлик кузатилади. Яъни, шоир барча ғазалларида Самандар тимсолида ошиқга ишора қилса, мазкур байтда маъшуқага ишора қилади. Айни пайтда байтда Навоий ҳам талмеҳ, ҳам истиора (гулхан – Фарҳод; самандар – Ширин) санъатларини қўллабди. Самандарнинг оловда туғилиб, олов ичида яшаши биргина “оташхона” сўзи орқали берилади. Бундан ташқари, самандар мактуби (ишқининг “оташхона” (гулхан)га йўлланиши орқали ошиқ ва маъшуқа ишқининг бирлашиб кетиши, яъни “ваҳдат ул- вужуд”ни ҳосил қилиши назарда тутилган.

Мазкур достонда Самандар нафсоний ҳисларни енгиш воситаси сифатида ҳам қўлланади. Устози Суҳайло ҳаким Фарҳодга нафс рамзи бўлмиш аждаҳони енгиш мақсадида унинг ўтини қайтариш учун самандар ёғини беради. Фарҳод аждар билан олишув пайтида ўт-оловдан сақланиш учун у бир идишда берган мана шу самандар ёғини бадан ва қўлларида суркаб, ўт таъсир қилмас ҳолатга киради.

Деди: «Бу зарфким маръи бўлодур.
Самандар ёғидин билким тўлодур.

Кўп оташгоҳ ўтидин тормишам доғ
Ки, то жамъ айламишмен бу қадар ёғ.
Чу аждар бирла бўлғунгдур ҳамовард
Ки, андин чиққуси афлок уза гард.
Бу ёғдин суртуб аввал ўз танинға,
Самандар ҳамлалиғ хопоканинға
Ки, аждар бирла разм этган замонда,

Бу ёғ ўтдин сени тутқай амонда
[3,152].

Фарҳоднинг бутун вужудига суртилган самандар ёғи уни аждаҳо (нафс)нинг ҳамласидан асрайди.

Алишер Навоий Фарҳод тимсолида комил инсон ҳақидаги қарашларни бадиий тасвирлар экан, нафсга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас. Боиси, инсон вужудидаги ноқисликлар нафс ғулғулалари туфайли вужудга келади. Уни енгиш эса инсоннинг комиллик сифатларига эга бўлишида муҳим саналган.

Хуллас, улуғ шоир Алишер Навоий Самандар образи орқали ишқнинг абадийлигини таъкидлайди. “Ўлмаслик” ва “абадий ҳаёт” ҳақидаги мифология ва фольклор намуналаридан куйланган мавзулар доирасини тасаввуфий қарашлар билан кенгайтиради.

Шоир ижодида **зоопозетонимларга**, яъни ҳайвонлар образига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Алишер Навоий ғазалларида турли жониворлар образининг рамзий-тимсолий талқини кузатилади. Лекин шулар орасида шоир лирикасида энг кўп қўлланилган образлардан бири итдир.

Ўзбек фольклоридида ит тимсоли кўпинча вафодор ва содиқ ҳамроҳ, йўлдош, ҳомий-кўмакчи поэтик вазифаларида талқин қилинган бўлса, Алишер Навоий ижодида ит билан боғлиқ куйидаги тушунчалар ифодаси кўзга ташланади:

1. Итнинг овози, териси ёки унга тегишли нарсаларни магик даво воситаси сифатида талқин этиш:

Гар Навоийға даводур унунг, эй ёр ити,
Ҳординг эркинки, тонг отқунча ҳурарсен
охир [2,154].

Ушбу байтда ошиқ учун суюкли ёр итининг ҳуриган овози даво экани хусусида сўз юритилаётгани бежиз эмас. Халқ орасида янги туғилган чақалоқларга “ит кўйлак” кийдириш, касалманд чақалоқни ит терисига йўрғаклаш, кўзига говмижжа (халқ тилида – иттирсак) чиққанларни эрта тонгда итга салом қилишга ундаш, суқланганларга итнинг жума кунги оқ тезагини тутатиш, жуда оғир касалга чалинганларга ит ялоғидан сув ичкизиш каби иримлар тарқалган. Демак, шоир кишилар ўртасида ит культига сиғиниш билан боғлиқ шу каби иримлар мавжудлигини, тотемистик қадимий қарашларнинг излари сақланиб келинаётганини инобатга олиб, юқоридаги мисраларда ўзига хос сўз ўйинини амалга оширган. У, биринчидан, ишқ дардидан ўртаниб, яримжон аҳволга тушган ошиқ кўнглини итнинг синган сафолига менгзаган. Иккинчидан, оғир ишқ дардига мубтало ошиқ учун ит сафолидан ичилган сув (ҳайвон суви – тириклик суви) даво эканини таъкидлаган. Жумладан, ошиқ кўнглининг итлар синган сафолига тенглаштирилиши куйидаги байтда ёрқин акс этган:

Юру, эй Хизрким, ҳайвон суйидур захр
агар ичсам,

Бу дамким жоним ул шўх итлари сингон
сафолидур [1,177].

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Умуман айтганда, Навоий ғазалларида “итнинг синган сафоли” образига жуда кўп дуч келиш мумкин:

Итинг **синган сафолида** май ичсам

Не тонг, илгимга жоми Жам тушубтур [2,158].

Кўриняптики, бу мисраларда итнинг синган сафоли афсонавий Жамшид жомига тенглаштириб талқин қилинган бўлса, баъзан хатто ундан устун ҳам қўйилади:

Итларинг **синган сафоли** тушгач илгимга, кўнгул

Онча фахр этики жоми бирла Жамшид этмагай [2,853].

Ошиқ итнинг синган сафолидан ичган бода (май)ни тириклик сувига тенглаштиради:

Итларинг синган сафоли ичра бўлдум дурдақаш,

Бўлмасун ҳаргиз тиҳи ул бодадин бу соғарим [2,367].

Ёки:

Ичтим **итинг сафолида** май, ваҳ, қачон ювгай

Ҳайвон зилоли завқини онинг мазоқдин [1,427].

Қуйидаги мисраларда итнинг чанги, итнинг териси ит култы, яъни итни ҳомий, кўмакчи сифатида қараш билан боғлиқ тушунчалар асосида берилгани сезилади:

Саодат хатлари қилмиш хувайдо,

Итинг чангига суртилган жабиним [2,380].

Яна:

Фалак бошинга қоплаб **ит терисин**,

Сен они жаҳлдин деб кишу синжоб [1,75].

2. Алишер Навоий нопок, очкўз, ғаламис кимсаларни ит образи воситасида фош этган. Уларнинг сатирик ва киноявий образини очиб берган. Бунга шоирнинг “итлар” радибли ғазали ёрқин мисол бўла олади:

Бошимга кўйида ҳар дам ғулу қилур итлар,

Гар ўлмасам, бу ғулуни нағу қилур итлар [2,135].

3. Навоий ғазалларида учрайдиган “Итлари оллиға ташлангки, ғизо қилсунлар”, “Итингки борди қилиб туъма бағриму юрагим”, “Туъмаким топмас итинг урса тани зоримға тиш”, “Итингга озроқ эса туъма пора-пора боғир”, “Қолмиш итлар оғзида мажнуни урёним менинг”, “Қилмаса хориж танимни, итларига судратиб” сингари мисралари бағрида ўлим билан боғлиқ қадимги урф-одат излари яширингани билан эътиборни тортади. Чунки қадимда ёши улуғ, кексайиб қолган кишиларни тириклай махсус боқилган итларга ем

қилишган. Бу ҳақда Страбон ҳам маълумот қолдирган [4,10].

4. Халқ орасида, одатда, ўзлигини йўқотган, босар-тусарини билмай қолган кимсалар қутурган, яъни ҳеч кимни аямайдиган, ҳатто эгасини ҳам танимай қолган итга ўхшатилади. Шуни инобатга олиб, Навоий шеърларида ҳам мана шундай кимсаларга “қутуз ит”, “телба ит” образи орқали киноя қилингани кузатилади:

Телбадур нокас рақибинг, қатл эрур вожиб анга,

Мундин ўзга йўқ иложи итким бўлғай қутуз [2,193].

Қутурган ит халқ тилида “қутуз”, “қутуз очган” иборалари билан юритилади. Ҳатто халқ орасида “Қутуз очгур” деган қарғиш ҳам бор. Чунки, қутурган ит қопган одам ҳам қутуриш касаллига чалинади ва орадан қирқ кун ўтгач, у ҳам итдек одамларга ташланиб тишлашга интилади. Шунинг учун одамлар қутурган ит ва одамдан ҳаммавақт қочиб, эҳтиёт бўлишган. Ана шуни инобатга олиб, Навоий ҳам “Расмдур қочмоқ улус иттинким, ул бўлғай қутуз” ёки “Ажаб йўқ, тотса ҳар ит телбараб оғзидин ўт сочқай” дея огоҳлантиради.

5. Халқ ижодидаги каби Навоий ҳам итни вафодорлик тимсолида кўп қўллаган. Бунда шоир “Асқоби қаҳв” афсонаси мазмунига таянган.

Чун дедим, зулфунг камандин бўйнума солғил,

Деди: Итга бўлмас Каъба қандили танобидин марас [2,199].

6. Навоийнинг баъзи байтларида ит рақиб, душман сифатида ҳам талқин қилинган. Масалан: “Рақибинг ҳам, итинг ҳам кўнглума кўюнда душмандур” деб ёзади шоир бир байтида.

7. Кечалар итларнинг аккиллаши, тонгда қушларнинг сайраши инсон ҳиссиётларига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Шунинг учун бу ҳолат ҳам шоир назаридан четда қолмаган:

Буки ваҳшу тайр уютмаслар, ғамим бедодидин,

Кеча ит афғонидин бил, субҳ қуш фарёидин [2,416].

8. Ўтмишда ов жараёнида қуш, ит, тулки кабилардан фойдаланилган. Шу сабабли Навоийнинг қуйидаги мисрасида сайд (ов) чоғи тулки билан ўйнашган ит образига эътибор қаратилган:

Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,

Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар [2,164].

9. Итлар қатли, ҳатто улар дайди ит бўлса-да, фақат шоҳлар фармониға мувофиқ амалға оширилган:

Ўлтурур кўйида ишқ аҳлин алолоси учун,
Шоҳ қатл этган киби итларни ғавғоси учун [2,413].

Ўки:

Кўйида атфоли ушшоқ ўлтурур бедор ила
Шаҳ магар шаҳр ичра ит қатлиға фармон айламиш [2,241].

10. Жониворлар ичида ит уйқуга кетишидан олдин бошини панжалари устига қўяр экан. Ит бошини деярли ерга қўйиб ухламас экан. Шу маънода шоир бошни авайлаш, омон сақлаш зарурлигини айтиш учун бевосита ит уйқуси тасвирини келтирган:

Кўйи тоши бошима ҳайф айласам уйқу ҳавас,

Ит уюр бўлса аёғ, илги бошин қўймоққа бас [2,199].

Навоий ит образини ҳамма вақт кўчма маънода эмас, ўз маъносида ҳам қўллаган. Бу унинг қуйидаги мисраси мисолида яққол англашилади: “Итки, номардумлуғидин ошносин тишлади” – дейди шоир. Бу билан шоир ит итлигини қилишидан, барибир у одамзод билан ножинслиги туфайли ҳар қанча вафодор бўлмасин, ҳайвонлигини қилишидан огоҳ этади.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиёт намуналарида ҳам халқ оғзаки ижодидаги каби диний-ижтимоий тасвирлар турли поэтик кўчимларга асосланади. Бироқ мумтоз шеърият намуналарида учрайдиган шундай тасвирлар борки, уларни халқ лирикасидаги тотем ва культларнинг тарихи ва моҳиятини тушунмай англаш мушкул.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. I жилд. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987.
2. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. II жилд. Наводир ун-ниҳоя. – Т.: Фан, 1987.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. VIII жилд. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.
4. Легенды, мифы, предания. – М.: Эра, 1992.
5. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).